

Кўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА

Хонқа тумани

6490-сон

“ 12 ” январь 2022 йил

Хоразм вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи Б.М.Хасанов (кейинги ўринларда Ижрочи деб юритилади) бир томондан Хонқа тумани мактабгача таълим бўлими мудирини Ф.С.Сабилов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ижрочи Кўриқлаш хизмати, техник кўриқлаш марказига «ташвиш» тугмаси орқали (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. УМУМИЙ ШАРТЛАР

2. Буюртмачи Хонқа тумани Бобур кўчаси 1-уйда жойлашган 1-сонли, Хонқа тумани «Сарапаён» қишлоғи «Тулистон» маҳалласида жойлашган 2-сонли, Хонқа тумани «Томадургадик» қишлоғи «Олчин» маҳалласида жойлашган 3-сонли, М.Абдуллаев кўчаси 71-уйда жойлашган 5-сонли, Х.Дўстлиги кўчаси, 31-уйда жойлашган 6-сонли, Андалиб кўчаси 1-уйда жойлашган 4-сонли, Наврўз кўчасида жойлашган 7-сонли, Хонқа тумани «Томадургадик қишлоғи «Дургадик» маҳалласида жойлашган 8-сонли, Хонқа тумани «Пахлавонлар» маҳалласида жойлашган 10-сонли, Хонқа тумани «Намуна» қишлоғи «Туркистон» маҳалласида жойлашган 11-сонли, Хонқа тумани «Муқаддас» маҳалласида жойлашган 12-сонли, Маданият кўчасида жойлашган 13-сонли, Хонқа тумани «Сарапаён» қишлоғи «Истиклол» маҳалласида жойлашган 14-сонли, Андалиб кўчасида жойлашган 15-сонли, Хонқа тумани «Сарапаён» қишлоғи «Тулистон» маҳалласида жойлашган 16-сонли, «Қорамози» маҳалласида жойлашган 17-сонли, Истиклол маҳалласида жойлашган 19-сонли, «Ёш куч» маҳалласида жойлашган 20-сонли, «Мустақиллик» маҳалласида жойлашган 22-сонли, «Тома» маҳалласида жойлашган 24-сонли, «Маданий ер» маҳалласида жойлашган 26-сонли, «Эхтиром» маҳалласида жойлашган 27-сонли, «Нурафшон» маҳалласида жойлашган 29-сонли, «Ғайрат» маҳалласида жойлашган 30-сонли, «Нуробод» маҳалласида жойлашган 31-сонли, «Дўстлик» маҳалласида жойлашган 32-сонли, «Моштўғай» маҳалласида жойлашган 34-сонли, Андалиб кўчасида жойлашган 35-сонли, Соғлом авлод кўчаси 2-уйда жойлашган 36-сонли, «Ойдин ҳаёт» маҳалласида жойлашган 37-сонли, «Ойдин ҳаёт» маҳалласида жойлашган 38-сонли, «Жаннатмакон» маҳалласида жойлашган 39-сонли, «Илғор» маҳалласида жойлашган 32-сонли, «Туркистон» маҳалласида жойлашган 43-сонли, «Дўрман» маҳалласида жойлашган 44-сонли, «Знахос» маҳалласида жойлашган 46-сонли, «Моштўғай» маҳалласида жойлашган 48-сонли, «Дургадик» маҳалласида жойлашган 49-сонли, Хонқа кўчаси 3-уйда жойлашган 50-сонли, «Янги турмуш» маҳалласида жойлашган 28-сонли, Хонқа «Педагогика» коллежи биносидида жойлашган 10-сонли ва 19-сонли МТМ филиаллари биноларини 8 соат дам олишсиз (соат 22:00 дан 06:00 гача), ТҚМга улаган ҳолда **ташвиш** тугмаси орқали кўриқлаш учун (кейинги ўринларда Объект деб юритилади) Ижрочиға топширади, Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итларидан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда ___ иш куни ичида Миллий гвардия хизмати кўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш объектга ___ иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чакириб олинади.

3-боб. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

ТҚМга уланган ҳолда кўриқлаш хизмати **бир ойга 27 983 088** (Йигирма етти миллион тўққиз юз саксон уч минг саксон саккиз) сўм;

3 ойга 83 949 264 (саксон уч миллион тўққиз юз қирқ тўққиз минг икки юз олтимиш тўрт) сўм;

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи (хўжалиқ ҳисобидаги, бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари оливчи) мазкур шартномада кўрсатилган кўриқлаш хизмати учун ойлик тўловнинг 100 фоиз миқдорида ижрочи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин тўловни амалга оширади.

12. Хўжалиқ юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 9-банди талабларида кўрсатилган ойлик тўловни тўламаса ҳамда 11-бандига ўз вақтида риоя қилмаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этилишини талаб қилиш; хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган **2022 йил «05» январдан** даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида

хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш ҳамда кўриқлаш хизматини олиб бораётган ходимларга алоҳида хона ажратилишини (кўриқлаш хизматини тўғри ташкиллаштирилиши юзасидан) таъминлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан _____ метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш (ПРИТОК-А қурилмасига уланган рақам ҳисобини ўз вақтида тўлдириш) ва техник кўриқлаш воситаларининг соз ҳолатда сақланишини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида _____ кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиши ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларини ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

кўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

маҳсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулът рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш.

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш (ПРИТОК-А қурилмасига уланган рақам ҳисобини ўз вақтида тўлдириш)ни ва техник қўриқлаш воситаларининг соз ҳолатда сақланишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлаш техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар қўриш учун бериш;

қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида қўриқлаш хизмати навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, қўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтқазиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида асосиз бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеня тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарарнинг тўлик миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамадан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-тоқшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда; буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

24. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. ФОРС-МАЖОР

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилган ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

Мазкур Шартнома ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилмаган тақдирда Буюртмачи тамонидан шартномани 3-боб 9,11-бандларида кўрсатилган талабларига ўз вақтида риоя қилишдан озод этмайди.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифига иккинчи тарафдан рад жавоби олингандан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабини судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича - томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб – 1 (бир) йил муддатга;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича - белгиланган тартибда Молия вазирлиги ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

Буюртмачи бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11 бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатида тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиши тўғрисида 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

36. Мазкур шартнома кучга киргандан кейин, _____ йил _____ кунги _____ -сонли икки томонлама тузилган шартнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

36. Мазкур шартнома кучга киргандан кейин, _____ йил _____ кунги
_____ -сонли икки томонлама тузилган шартнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Ижрочи
Хоразм вилояти Қўриқлаш
бошқармаси

Юридик манзили: Урганч ш.
Тинчлик кўчаси 12 уй

Тел: 228-68-38

Х/Р: 21596000700193876001

Банк Марказий банк Хоразм
вилояти МФО: 00027
ИНН: 200408918 ОКЭД: 80200

Хоразм вилояти Қўриқлаш
бошқармаси бошлиғи



Б.М.Хасанов

Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси
ЮТ ва МБИГ бош юриконсулти

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MILLY QVARDIYASI
XORAZM VILOYATI QO'RIQLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN У.Х.Нуруллаев

20 22 yil " 15 " 01 da
6490
QAYD ETILDI IMZO

Буюртмачи

Хонқа тумани мактабгача таълим бўлими

Юридик манзили: Хонқа тумани Иморат
кўчаси

Тел:

ш/х 100022860332237091100251002


Бюджетдан маблағ олувчи СТИР 305155680

ОКОНХ: 92400

Молия вазирлиги Ягона Ғазна ҳисоб варағи
Ғазна х/в 2340200030010000101

Банк номи Тошкент ш, Марказий банкнинг
Тошкент ш, ХККМ МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИР и 201122919

Хонқа тумани мактабгача таълим бўлими
мудири



Ф.С.Сабиоров


«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Хоразм вилояти Қўриқлаш
бошқармаси бошлиғи



Б.М.Хасанов

«Р О З И М А Н»

Хонқа тумани мактабгача таълим
бўлими мудири



Ф.С.Сабиоров

Хонқа тумани мактабгача таълим бўлимига қарашли 1-сон, 2-сон, 3-сон, 4-сон, 5-сон, 6-сон, 7-сон, 8-сон, 10-сон, 11-сон, 12-сон, 13-сон, 14-сон, 15-сон, 16-сон, 17-сон, 19-сон, 20-сон, 22-сон, 24-сон, 26-сон, 27-сон, 28-сон, 29-сон, 30-сон, 31-сон, 32-сон, 34-сон, 35-сон, 36-сон, 37-сон, 38-сон, 39-сон, 42-сон, 43-сон, 44-сон, 46-сон, 48-сон, 49-сон ва 50-сонли мактабгача таълим ташкилотлари ва 10-сонли ҳамда 19-сонли МТМ филиаллари биноларига ташвиш хабари орқали хизмаг кўрсатиш бўйича
2022 йил «01» январдан

ҲИСОБ-ВАРАҚАСИ

т/р	Объект номи	Манзили, телефон рақами	Қўриқлаш тури	Объектни ТҚМ га топирилганлиги	Қўриқлаш соати		Қўриқлаш нархи	
					Иш кунлари	Бир ойлик қўриқлаш соати	1 (бир) соатга (сўм)	Ўртача бир ойига (сўм)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	1-сонли МТМ	Хонқа тумани Бобур кўчаси 1 уй	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
2	2-сонли МТМ	Хонқа тумани Сарапаён қишлоғи Гулистон маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
3	3-сонли МТМ	Хонқа тумани Томадургадик қишлоғи Олчи маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм

12	13-сонли МТМ	Хонқа тумани Пахтагул маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
13	14-сонли МТМ	Хонқа т. Истиклол маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
14	15-сонли МТМ	Хонқа тумани Пахтагул маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
15	16-сонли МТМ	Хонқа тумани Гулистоп маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
16	17-сонли МТМ	Хонқа тумани Қорамрззи маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
17	19-сонли МТМ	Хонқа тумани Истиқлол маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
18	20-сонли МТМ	Хонқа тумани Ёш куч маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
19	22-сонли МТМ	Хонқа тумани Муставкаллик маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
20	24-сонли МТМ	Хонқа тумани Тома маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
21	26-сонли МТМ	Хонқа тумани Маданий ер маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
22	27-сонли МТМ	Хонқа тумани Эхтиром маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
23	29-сонли МТМ	Хонқа тумани Нурафшон	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм

35	44-сонли МТМ	Хонқа тумани Дўрман маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
36	46-сонли МТМ	Хонқа тумани Знахос маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
37	48-сонли МТМ	Хонқа тумани Моштўқай маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
28	49-сонли МТМ	Хонқа тумани Дургадик маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
39	50-сонли МТМ	Хонқа шахарчаси Бунёдкор маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
40	28-сонли МТМ	Хонқа тумани “Янги турмуш” маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
41	10-сонли МТМ филиали	Хонқа тумани “Фидойлар” маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
42	19-сонли МТМ филиали	Хонқа тумани “Фидойлар” маҳалласи	Ташвиш хабари	-	7 соат дам олишсиз	213	3 128 сўм	666 264 сўм
Жами:		Бир ойлик тўлов пули – 27 983 088 (Йигирма етти миллион тўққиз юз саксон уч минг саксон саккиз) сўм						

Хоразм вилояти Қўриқлаш
бошқармаси МИБ бошлиғи

О.Матниязов

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARHING QONUN XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA XUQUQIY XULOSA

№ NV15408032

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:


Xorazm viloyati Qo'riqlash boshqarmasi bilan Xonqa tumani maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasida qo'riqlash xizmatini ko'rsatish bo'yicha tuzilgan shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Xonqa tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 12 yanvar kuni ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Xonqa tuman yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsul'ti



Z.Xaitov

2022 yil 12 yanvar